

**ТОШКЕНТ АРХИТЕКТУРА-ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.26/30.12.2019.Т.11.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ АРХИТЕКТУРА-ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ

ТОХИРОВ ЖАЛОЛИДДИН ОЧИЛ ЎҒЛИ

**ЎРТА ҚАТЛАМИ ИЗОЛЯЦИОН АРБОЛИТДАН БЎЛГАН УЧ
ҚАТЛАМЛИ ТЕМИРБЕТОН ЭЛЕМЕНТЛАРИНИНГ ЮК КЎТАРИШ
ҚОБИЛЯТИ**

05.09.01-Қурилиш конструкциялари, бино ва иншоотлар

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2022

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий
даража изланувчисининг диссертация автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации на соискание ученой степени
доктора философии (PhD) по техническим наукам**

**Contents of dissertation abstract for degree of Doctor of Philosophy (PhD)
on technical sciences**

Тохиров Жалолиддин Очил ўғли

Ўрта қатлами изоляцион арболитдан бўлган уч қатламли темирбетон
элементларининг юк кўтариш қобилияти 3

Тохиров Жалолиддин Очил ўғли

Несущая способность трехслойных железобетонных элементов со средним
слоем из изоляционного арболита..... 25

Tokhirov Jaloliddin Ochil o'g'li

Bearing capacity of three-layer reinforced concrete elements with a middle layer of
insulating wood concrete 47

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 51

**ТОШКЕНТ АРХИТЕКТУРА-ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.26/30.12.2019.Т.11.01РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ АРХИТЕКТУРА-ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ

ТОХИРОВ ЖАЛОЛИДДИН ОЧИЛ ЎҒЛИ

**ЎРТА ҚАТЛАМИ ИЗОЛЯЦИОН АРБОЛИТДАН БЎЛГАН УЧ
ҚАТЛАМЛИ ТЕМИРБЕТОН ЭЛЕМЕНТЛАРИНИНГ ЮК КЎТАРИШ
ҚОБИЛИЯТИ**

05.09.01-Қурилиш конструкциялари, бино ва иншоотлар

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2021.4.PhD/Т2544 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент архитектура-қурилиш институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)), Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.taqi.uz ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Акрамов Хуснитдин Ахрарович
техника фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Ходжаев Аббос Агзамович
техника фанлари доктори, профессор

Усманов Валиаҳмад Файзиллаевич
техника фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот:

Жиззах политехника институти

Диссертация химояси Тошкент архитектура-қурилиш институти ҳузуридаги DSc26/30.12.2019.Т.11.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «27» декабр соат 10⁰⁰ да Архитектура факултетининг мажлислар залида бўлиб ўтади. (Манзил: 100011, Тошкент ш., Абдулла Қодирий кўчаси 7в-уй. Архитектура факультетининг мажлислар зали. Тел.: (99871) 241-10-84; факс: (99871) 241-80-00; e-mail: devon@taqi.uz, taqi_atmt@edu.uz)

Диссертация билан Тошкент архитектура-қурилиш институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№ 97 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100084, Тошкент ш., Юнусобод тумани, Янги шаҳар кўчаси 9а-уй. Тел.: (99871) 232-43-30 факс: (99871) 234-15-11, e-mail: taqi_atmt@edu.uz). (99871) 241-80-00; e-mail taqi_atmt@edu.uz).

Диссертация автореферати 2022 йил «16» декабр куни тарқатилди.
(2022 йил 30 ноябрь 26-рақамли реестр баённомаси).

А.И. Адилходжаев
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш раиси ўринбосари, т.ф.д., профессор

А.Т. Хотамов
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш илмий котиби, т.ф.д., доцент

Б.А. Асқаров
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш қошидаги илмий семинар
раиси, т.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон қурилиш амалиётида, қурилиш конструкцияларини тайёрлаш ва улардан фойдаланиш жараёнида энергия ва ресурстежамкор усул, технологияларни қўллаш салмоғи тобора ортиб бормоқда. Бу йўналишда Россия Федерацияси, Ҳиндистон, Хитой Халқ Республикаси, Дания, Жанубий Корея, Германия, Финляндия, Нидерландия ва бошқалар каби қурилиш соҳаси ривожланган мамлакатларда, энергия самарадорлиги юқори бўлган қурилиш конструкцияларини такомиллаштириш ва уларни ишлаб чиқариш орқали турар-жой, жамоат ва саноат бинолари ҳолатини яхшилаш борасида қатор ижобий ютуқларга эришилган бўлиб, бу ўринда бино ва иншоотларнинг массасини камайтириш, ҳамда уларни иссиқлик самарадорлигини ошириш муҳим аҳамият касб этмоқда. Шу сабабдан, маҳаллий хом ашё ва саноат чиқиндиларидан фойдаланган ҳолда деворбоп материал ва конструкцияларни энергия самарадорлигини ошириш, конструктив ечимлари ва ишлаб чиқариш технологияларини такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Жаҳонда назарий ва экспериментал усуллардан фойдаланган ҳолда, турли конструктив ечимга эга бўлган, янги авлод композит конструкцион –изоляцион ташқи девор конструкцияларига бағишланган илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу борада, тўсиқ конструкциялар учун, маҳаллий хом ашё ресурслари ёки турли саноат иккиламчи ресурсларидан фойдаланиб, лойиҳалашда ташқи деворлар орқали, солиштирма иссиқлик йўқотилишини ҳисобга олган ҳолда, уларнинг қалинлигини оптималлаштириш, бино деворларининг иссиқлик техник бир хиллигини таъминлаш билан боғлиқ конструктив хусусиятларини яхшилаш долзарб масалалардан бири ҳисобланади. Бу ўринда қалинлиги оптималлаштирилган тўсиқ конструкцияларини оғирлигини камайиши ҳисобига, биноларнинг сейсмик ҳавфсизлигини ошириш ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Республикамызда тўсувчи конструкцияларни тадқиқ этишни ривожлантириш ва қурилишда инновацион конструкцияларни қўллаб, уларни энгиллаштириш, энергия ва табиий ресурс захираларини тежаш, бино ва иншоотларни ишончилигини таъминлаш, уларни янги конструктив ечимларини ишлаб чиқишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. 2022 - 2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида, хусусан «...қурилиш материаллари ишлаб чиқариш ҳажмини 2 бараварга кўпайтириш ...»¹ ва «... саноат корхоналари инфратузилмасини модернизациялаш, энергия самарадорлигини 20 фоиздан кам бўлмаган миқдорга ошириш ҳамда соф ва экологик ҳавфсиз технологиялар ва саноат жараёнларидан янада кенг

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон “2022 — 2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги Фармони

фойдаланиш ҳисобига уларнинг барқарорлигини таъминлаш»² ва бошқа вазифалар белгилаб берилган. Ушбу масалаларни ечишда маҳаллий иккиламли ресурсларидан, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш жараёнида ҳосил бўладиган чиқиндилардан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Улардан қурилиш материаллари ва конструкцияларини ишлаб чиқариш саноатида фойдаланиш нафақат экологияни яхшилаш, балки энергия ва ресурс тежамкорликка эришиш ҳамда замонавий қурилиш конструкцияларни ишлаб чиқаришни такомиллаштириш имкониятларини беради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон “2022 - 2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги Фармони, 2019 йил 20 февралдаги ПҚ-4198-сон “Қурилиш материаллари саноатини жадал ривожлантиришга оид қўшимча чора – тадбирлар тўғрисида”ги, 2019 йил 23 майдаги ПҚ-4335-сонли «Қурилиш материаллари саноатини жадал ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги, 2021 йил 2 февралдаги ПҚ-4973-сонли “Шоли етиштиришни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли барча маъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертациядаги тадқиқотлар муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг II. «Энергетика, энергия ва ресурстежамкорлик» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Қурилиш материалларининг самарали таркиблари ва юқори сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш технологияларининг яратишда жаҳондаги йирик олимлардан Ю.М. Баженова, Батракова, Б.В. Горенштейна, В.Г. Золотухина, А.А. Кудрявцева, Ю.С. Беленького, Н.В. Морозова, Н.Я. Спивака и Ш.А. В.И. Лишака, И.Д. Передеренко шу билан бир қаторда қурилиш конструкцияларининг конструктив ечимларини такомиллаштириш, уларнинг мустаҳкамлик, кучланганлик - деформацияланувчанлик ҳолати ва дарзбардошлигини тадқиқ қилиш муаммолари билан В.М. Байков, Ю.В. Чиненков, А.А. Евдокимов, В. Полетаев, Б.И. Майоров, Ю.И. Мешкаускас, Н.В. Морозов, Ш.А. Акбулатов, А.М. Окленд, Е.А. Король, М. Штамм, Г. Витте ва бошқалар илмий изланишлар олиб бориб, муҳим натижаларга эришганлар.

Ўзбекистонда қурилиш материаллари ва темирбетон конструкциялари соҳасидаги етакчи олимлар, шу жумладан, Б.А. Асқаров, А.И. Адилходжаев, Х.А. Акрамов, А.А. Ашрапов, Э.У. Қосимов, Н.А.Самигов, С.А. Ходжаев, А.А. Ходжаев, Е.В. Щипачева, С.Р. Раззақов, С.Ж. Раззақов, Х.Х. Камилов, С.С. Шаумаров, В.Ф. Усмонов, А.Т. Хотамов, П.Т. Мирзаев, Р.Р. Юсупов, А.С.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 4 октябрдаги ПҚ-4477-сон «2019 — 2030 йиллар даврида Ўзбекистон Республикасининг «Яшил» иқтисодиётга ўтиш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида»ги Қарори

Ювмитов ва бошқалар иккиламчи ресурслардан фойдаланиб самарали бетонларнинг таркиб ва технологияларини яратиш, улар асосида конструкцияларнинг мустаҳкамлик, бикрлик ва ёриқбардошлигини тадқиқ қилиш бўйича бир қатор тадқиқотлар олиб бориб, турли йилларда ўз тадқиқотлари асосида муҳим илмий ва амалий натижаларга эришишганлар.

Ўтказилган илмий-тадқиқот таҳлил натижалари шуни кўрсатдики, уч қатламли девор конструкцияларига қаратилган илмий тадқиқотлар етарли даражада эмаслигини ва бу йўналишда илмий изланишларни давом эттириш зарурлиги ҳамда долзарблигини кўрсатди.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент архитектура-қурилиш институтининг № ОТ-Атех-2018-178 сон “Иссиқлик тутувчи ўрта қатлами қишлоқ хўжалиги чиқиндилари асосида паст мустаҳкамликдаги бетондан тайёрланган уч қатламли темир-бетон элементларнинг мустаҳкамлик, ёриқбардошлик ва деформатик хусусиятларини ҳисоблаш усулини яратиш” (2018-2020 йй.) лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади ўрта қатлами изоляцион арболитдан бўлган уч қатламли темирбетон элементларининг юк кўтариш қобилиятини тадқиқ этишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

уч қатламли темирбетон панелларнинг изоляцион қатлами арболитнинг оптимал таркибини танлаш ва ушбу панелларнинг иссиқлик ўтказувчанлигини ҳисоблашни автоматлаштириш дастурларини ишлаб чиқиш;

ишлаб чиқилган изоляцион арболитнинг физик-механик ва деформатив хоссаларини экспериментал тадқиқ этиш;

эластик боғланган арматура стерженларининг сонини ва узунлигини панелнинг юк кўтариш қобилиятига таъсирини экспериментал аниқлаш;

изоляцион қатлам қалинлигини панелнинг мустаҳкамлик, ёриқбардошлик ва салқилик каби хоссаларига таъсирини экспериментал баҳолаш;

таклиф этилаётган конструкциянинг муқобил вариантлари билан техник иқтисодий кўрсаткичларини солиштириш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида изоляцион қатлами арболитдан тайёрланган уч қатламли темирбетон панеллар олинган.

Тадқиқотнинг предмети изоляцион арболитнинг таркиби, қурилиш-техник хоссалари ва ундан ўрта қатлами сифатида фойдаланиб тайёрланган уч қатламли темирбетон панелларнинг мустаҳкамлиги, ёриқбардошлиги ва салқилик хоссаларини ўрганиш ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотлар жараёнида композицион оптималлаштиришда экспериментларни математик режалаштириш усулидан, системаларни физик-механик синашнинг замонавий усулларида, темирбетон конструкцияларнинг сифат кўрсаткичларини аниқлашнинг стандарт усулларида, ҳамда экспериментлар натижаларини статистик таҳлил қилиш усулидан фойдаланилган.

Тадқиқотининг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

арболит ташкил этувчилари (цемент ва шולי қобиғидан) фойдаланилган ҳолда, ўртача зичлиги $350 - 400 \text{ кг/м}^3$, мустаҳкамлиги $0,3 - 1 \text{ МПа}$ бўлган иссиқлик изоляцион материал ишлаб чиқилган;

эластик боғланган арматура стерженларининг силжитувчи куч таъсирида силжишларнинг миқдори эластик боғланган арматура стерженларининг бетонга қистириб маҳкамланган узунлигини четки қатламлар орасидаги масофани эластик боғланган арматура стерженнинг $1,6$ диаметр йиғиндисига тенглиги аниқланган;

уч қатламли темирбетон конструкцияларнинг изоляцион қатламига тавсия этилган рационал таркибли цемент ва шולי қобиғидан иборат бўлган изоляцион арболитдан фойдаланиш ҳисобига мустаҳкамлиги ўртача 15% гача, ёриқбардошлиги ва салқилиги 10% гача ошгани таъминланган;

уч қатламли девор панелларини лойиҳалашда ишлаб чиқилган ҳисоблаш усулини қўлланилиши ҳисобига ишчи арматуранинг сарфи 1 м^3 маҳсулот учун 8% гача қисқариши исботланди.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

изоляцион қатлам учун фойданилган арболитнинг таркибини аниқлаш усулларини автоматлаштириш имконини берувчи ҳисоблаш дастури ишлаб чиқилган;

уч қатламли темирбетон элементлардаги эластик боғланган арматура стерженлар ва изоляцион арболитнинг биргаликдаги ишида мустаҳкамлиги, салқилиги ва ёриқбардошлиги ошиши экспериментлар орқали аниқланди ва лойиҳалаш ташкилотларига ушбу факторларни инобатга олиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган;

эластик боғланган арматура стерженларга эга бўлган уч қатламли девор панелларининг ёриқлари ва салқиликларининг шаклланишини ҳисоблашда таркибли эластик стерженлар назарияси ёрдамида, бетоннинг эзилиши туфайли эластик боғланган арматура стерженларнинг мойиллигини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилиши кераклиги экспериментал равишда аниқланган;

уч қатламли темирбетон конструкциянинг иссиқлик ўтказиш қобилиятини аниқлаш усулларини автоматлаштириш имконини берувчи ҳисоблаш дастури ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги катта хажмдаги экспериментал тадқиқотлар комплексининг замонавий услуб ва воситалардан фойдаланган ҳолда ўтказилганлиги, назарий ва экспериментал тадқиқотлар натижаларининг юқори даражада мутаносиблиги, олинган натижаларни ишлаб чиқишда математик статистиканинг синаш усулларида фойдаланилганлиги, ҳамда ишлангани амалиётга жорий қилишда ижобий натижага эришилганлиги билан тасдиқланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти арболитнинг мустаҳкамлиги ва иссиқлик

Ўтказувчанлигини ифодаловчи математик моделларга, уч қатламли панелларнинг ўрта қатламида изоляцион арболитдан фойдаланиш конструкциянинг мустаҳкамлик, салқилик ва ёриқбардошлик каби хоссаларини сезиларли ўсишига ва изоляцион қатламли ҳамда эластик боғланган арматура стерженли темирбетон уч қатламли элементлар монолит кесим ҳосил қилганлиги, унинг юк кўтариш қобилиятини аниқлашда, темирбетон элементларнинг моментларини ва умумий кесим моментини йиғиндиси сифатида ҳисоблаш орқали ҳисоблаш назариясини ривожлантириш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларини амалий аҳамияти, изоляцион қатлами ўта енгил бетондан бўлган уч қатламли темирбетон панелларини конструкцион ва эксплуатация хоссаларини реал баҳолаш, осма панелларидаги эластик боғланган арматура стерженларни узунлигини ҳамда изоляцион қатламнинг оптимал қалинлигини ҳисоблаш усулини лойиҳалаш амалиётида қўллаш натижасида, панелларни мустаҳкамлиги, ёриқбардошлилиги ва салқилигини таъминлаш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ўрта қатлами изоляцион арболитдан бўлган уч қатламли темирбетон элементларининг юк кўтариш қобилияти бўйича олинган илмий натижалар асосида:

ўрта қатлами изоляцион арболитдан бўлган уч қатламли панеллар намунаси тайёрланиб синовдан ўтказилиб “CONCRET BUILD” МЧЖда жорий этилган (Қорақалпоғистон Республикаси Қурилиш вазирлигининг 2022 йил 03-07/01-2337-сон маълумотномаси). Натижада изоляцион арболит уч қатламли панелларнинг мустаҳкамлигини 15 % гача, салқилик ва ёриқбардошлик хоссаларини 10% гача оширишга эришилган;

эластик боғланган арматура стерженли ўрта қатлами изоляцион арболитдан бўлган уч қатламли панеллар “QQGORSELPROYEKT” МЧЖда жорий этилган (Қорақалпоғистон Республикаси Қурилиш вазирлигининг 2022 йил 03-07/01-2337-сон маълумотномаси). Натижада, техник тарафлардан солиштирилганда 1 м³ маҳсулот учун анъанавий бир қатламли керамзитбетон панеллардан 17,2 % ва минерал пахта изоляцион қатламга эга уч қатламли панеллардан 11,5 % га арзонлаштиришга эришилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқотнинг асосий натижалари 6 та халқаро ва 5 та республика миқёсидаги илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 17 та илмий иш чоп этилган, шулардан, 6 таси илмий мақола, шу жумладан SCOPUS базасига кирувчи журналларда 1 та, Ўзбекистон Республикаси ОАК фалсафа доктори (PhD) диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола, ҳамда 11 та маъруза тезислари халқаро ва республика илмий-амалий конференцияларда нашр этилган. Бундан ташқари Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлиги томонидан 2 та ҳисоблаш дастури учун гувоҳномалар олинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида бажарилган диссертация тадқиқотининг долзарблиги ва зарурати асосланган, мақсад ва вазифалар белгиланиб, объект ва предметлари келтирилган, тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикасида фан ва техника тараққиётининг устувор йўналишларига мувофиқлиги шакллантирилган. Муаммони ўрганилганлик даражаси ва Тошкент архитектура-қурилиш институтининг илмий тадқиқот режалари ўртасидаги боғлиқлик, тадқиқот натижаларининг илмий янгилиги ва ишончлилиги, олинган натижаларнинг илмий-амалий аҳамияти, уларни қурилиш амалиётида қўлланилганлиги ҳамда тадқиқот натижаларининг нашри ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Кўп қатламли темир-бетон конструкциялардан фойдаланишнинг замонавий ҳолати”** номли биринчи бобида арболитдан фойдаланишнинг жаҳон тажрибаси, арболит асосидаги кўп қатламли темирбетон конструкцияларнинг конструктив ечимлари ва кўп қатламли темирбетон конструкциялар ҳисобининг назарий асослари ва муаммолари кўрсатиб ўтилган. Илмий-техникавий адабиётларнинг ҳар томонлама таҳлили асосида тадқиқотларнинг ишчи илмий фарази, мақсади ва асосий вазифалари шакллантирилган.

Диссертация мавзуси бўйича амалга оширилган адабиётлар аналитик таҳлили асосида тадқиқотларнинг ишчи фарази (гипотезаси) шакллантирилиб, яъни ўрта қатлами изоляцион арболитдан бўлган ва эластик боғланган арматура стерженларидан иборат уч қатламли темирбетон конструкцияларини биргаликда монолит кесим ҳосил қилиши ва бунинг натижасида мустаҳкамликка, ёриқбардошликка, салқиликка ҳамда иссиқлик ўтказиш хоссаларини яхшилашга олиб келади деган ишчи фаразни шаклланишига асос бўлди.

Диссертациянинг **“Хом ашё материалларнинг хоссалари ва тадқиқот усуллари”** деб номланган иккинчи бобида уч қатламли элементлар ва унинг ташкил этувчиларини, фойдаланилган материаллар хусусиятлари тадқиқот усуллари келтирилган. Фойдаланилган хом ашё цемент, органик тўлдирувчи, арматура ва бетон каби материалларнинг тадқиқот усуллари ёритилган.

Ўрта қатлами изоляцион арболитдан бўлган уч қатламли темир-бетон элементларнинг кесим ўлчамлари $b \times h = 40 \times 25$ см, узунлиги $l = 250$ см, таянчлар оралиғи $l_0 = 230$ см бўлган намуна тўсинлари махсус тайёрланган синов стендида синалди. Тўсинлар ёғоч қолипларда тайёрланди. Қолипларнинг ички сирти поли этилен пленка листлар билан қопланди. Ишчи арматура сифатида ички қаталмга $\varnothing 10$ мм ва $\varnothing 8$ мм А-III (А400) арматура стерженлардан фазовий каркас

тайрланиб жойлаштирилган, ташқи қатлам эса 4Ø5 Вр-I (Вр500) симли тўрлар билан арматураланган. Эластик боғланган арматура стержен элементлари диаметри Ø8 мм лик стерженлардан ясалган (1-расм). Уч қатламли панел намуналарининг темир-бетон элементлари В22,5 синфли оғир бетондан тайёрланди. Улар билан биргаликда ўлчами 15x15x15 см ли кублар ва 15x15x60см ли призма намуналари ҳам бир вақтнинг ўзида худди шу бетондан тайёрланди.

Умумий 19 та намуналар тайёрланиб, улардан 3 таси алоҳида темир бетон плиталар бўлиб, улар қуйидагича белгиланган:


Р – изоляцион қатламсиз уч қатламли панел;

РІ – изоляцион қатламли уч қатламли панел;

І – ички қатлам темирбетон плитаси;

Т – ташқи қатлам темирбетон плитаси;

Ушбу ҳарфлардан кейинги 8 ва 10 сонлари эса фазовий каркаслардаги бўйлама арматурини диаметрини, кейинги 4, 8, ва 16 сонлари боғламларнинг сонини билдиради. Охириги сонлар (5, 10 ва 15) изоляцион қатламининг сантиметр ўлчов бирлигида қалинлигини билдиради.



1-расм. Намуна панелларнинг арматураланиш ва қолиплаш схемалари: а – изоляцион қатламсиз намуна, б - изоляцион қатламли намуна, в – ташқи қатлам, г – ички қатлам, 1 – эластик боғланган арматура стерженлар, 2 – изоляцион қатлам.

Умумий намуналар 3 та серияларда тайёрланиб, ҳар бир серия намуналари бир вақтда битта қоришмалардан тайёрланган.


1 – серияда умумий 7 та намуналар қуйилиб, уларнинг 3 таси алоҳида темирбетон плиталари, қолган 4 таси эса ишчи арматуралари билан фарқ қилувчи панеллардир.

2 – серияда ҳам умумий 6 та намуналар қўйилиб, ҳар бир жуфт намуналари изоляцион қатламли ва изоляцион қатламсиз бўлиб, эгиловчан боғламларининг сони (4, 8 ва 16 та) билан фарқланади.


3 – серияда умумий 6 та намуналар қўйилиб, ҳар бир жуфт намуналар изоляцион қатламли ва изоляцион қатламсиз бўлиб, изоляцион қатламларининг қалинлиги 5, 10 ва 15 см билан фарқланади.

Плиталар стенднинг намуналарни синаш учун мўлжалланган 2 та шарнирли таянчларига ўрнатилди. Шарнирларнинг бири қўзғалмас, иккинчиси қўзғалувчан қилиб тайёрланган. Намуналарда соф эгилишни таъминлаш мақсадида юклар 80 см узоқликда жойлаштирилди. Таянчдан плиталарнинг четигача бўлган масофалар 100 мм ни ташкил этди. Юк 50 кг лик табиий юклар воситасида босқичма-босқич бериб борилди. (2-расм).

Синовлар бошланишидан олдин намуна тўсинда ўрнатилган барча ўлчов асбоблари бўйича бошланғич кўрсаткичлар ёзиб олинди. Бу кўрсаткичлар “Шартли нол” сифатида қабул қилинди. Юклаш аста секин бир неча босқичда берилди. Босқичда ҳар бир юк ҳисобий бузувчи юкнинг тахминан 10% ни ташкил этди. Ҳар бир босқичда юк бериб бўлингандан сўнг, 20 минутгача унинг стабиллашиши кутиб турилди. Ҳар бир босқич юки берилгандан сўнг ва босқич сўнггида ўлчов асбоблари бўйича кўрсаткичлар ёзиб олинди.



**2-расм. Намуна юкланиш схемаси: 1-синов намунаси;
2-юкларни тақсимловчи траверса.**



3-расм. Намуналарда индикатор ўлчов воситаларини ўрнатиш схемаси.

Диссертациянинг “Изоляцион қатламнинг ва эластик боғланган арматура стерженларнинг физик -механик ва конструкцион ҳоссалари” деб номланган учинчи бобида ўрта қатлами учун фойдаланилган изоляцион арболитнинг оптимал таркибини танлашнинг математик моделлаштириш

усулидан фойдаланилган. Танланган таркиб бўйича физик, механик ва деформатив хоссалари, призма мустаҳкамлиги, эластиклик модули, пуассон коэффицентини аниқлаш, киришиш деформацияси, эгилишдаги чўзилиш мустаҳкамлиги, изоляцияловчи арболитнинг иссиқлик ўтказувчанлиги каби хоссалари текшириш учун ўтказилган ҳамда эгилувчан боғламларни силжишдаги устиворлиги экспериментал тадқиқот натижалари келтирилган. Ўтказилган экспериментлар натижаларини статистик таҳлил қилиш учун икки факторли тўлиқ квадрат кўп ҳаддан (регрессия тенгламаси) фойдаланилди.

Арболит намуналарининг иссиқлик ўтказувчанлик коэффицентини бўйича регрессия тенгламаси:

$$y_{\lambda} = 0,258 + 0,00414X_1 + 0,00316X_2 + 0,00298X_1X_2 + 0,0436X_1^2 + 0,0304X_2^2$$

Арболит намуналарининг 28 суткадаги мустаҳкамлиги бўйича регрессия тенгламаси:

$$y_{R28} = 3,096 + 0,1658X_1 + 0,1908X_2 + 0,03X_1X_2 + 1,5508X_1^2 + 1,5508X_2^2$$

Статик таҳиллар бўйича экспериментлардаги хатолиги иссиқлик ўтказувчанлиги бўйича 8%, мустаҳкамлик бўйича эса 5% ташкил этди.


Танлаб олинган ҳар иккита омиллар ҳам арболитнинг мустаҳкамлиги ва иссиқлик ўтказувчанлиги учун бир ҳил аҳамиятга эга экан. Кўриб чиқиладиган барча омилларнинг таъсирини ҳисобга олган ҳолда арболит таркибини оптималлаштириш учун сиқилишга мустаҳкамлик чегарасининг изопараметрик диаграммалари таҳлил қилинди (4- расм).

1-жадвал. Изоляция арболитнинг эксперимент натижалари

| Қўрсаткичлар | Натижалар |
|---|-----------|
| Ўртача зичлиги, кг/м ³ | 350-400 |
| Сиқилишдаги мустаҳкамлиги, МПа | 0,3-1 |
| Бошланғич эластиклик модули, МПа | 600 – 650 |
| Киришиш деформация, $\varepsilon_{yc}(360) \cdot 10^{-5}$ | 120-350 |
| Иссиқлик ўтказиш коэффицент, Вт/(м·К) | 0,07-0,11 |
| Силжиш модули $G = \frac{E}{2(1+\mu)}$, МПа | 2,7 |

Эластик боғланган арматура стерженларни силжишга қаршилигини ўрганишнинг мақсади “силжишдаги кучланиш - деформацияланиш” боғлиқлигини ва боғламлар қабул қилиши мумкин бўлган энг катта юкланишларни аниқлашдан иборат эди.

Эластик боғланган арматура стерженлар сифатида - 8 мм диаметрли, А-III (А400) синфли арматурадан фойдаланилган. Саноат ва қишлоқ хўжалиги бинолари учун панеллар лойиҳаларидаги каби В22.5 синфли ички қатлами 100 мм ва ташқи қатлами 50 мм қалинликдаги бетон қабул қилинди.



4-расм. Изоляцион арболитнинг мустаҳкамлик изопараметрияси.

Ҳар бир тўпламдаги 12 та намунадан 6 таси изоляцион қатламли, қолган 6 таси эса изоляцион қатламларсиз қолипланди.

Намуналардаги эластик боғланган арматура стерженларининг кучланиш чегарасини ва пластиклигини текшириш мақсадида, биринчи серия намуналар изоляцион қатламсиз тайёрланди. Улар “N” ҳарфи билан, изоляцион қатламли намуналар эса “NI” ҳарфлари билан белгиланди. Ушбу ҳарфлардан кейинги сон, ташқи бетон қатламлари орасидаги ёки изоляцион қатлам қалинлигини, ундан кейинги сон эса сериялардаги жуфт намуналарни тартиб рақамларини англатади.

Намуналарнинг силжишдаги ишини аниқлашда, қисқичлар ёрдамида намунамизнинг ички қатламини маҳкамлаган ҳолда ташқи бетон қатлам марказидан вертикал юк таъсир эттирилди. Намуналарга бузувчи кучнинг 5-10% ташкил қилувчи, оғирлиги 10 ва 20 кг ли текширилган назорат тарози тошлари юкланди ва юкланишнинг ҳар бир босқичида 10 дақиқа ушлаб турилди. Синовлар қатламлар ўзаро силжиш миқдори 1 см ни ташкил этгунича давом эттирилди.

Диссертациянинг **“Уч қатламли темирбетон элементларнинг конструкцион-эксплуатацион хоссалари”** деб номланган тўртинчи бобида намуналарни эластик боғланган арматура стерженлари ва изоляцион қатламнинг биргаликдаги қаршилиги, ташқи ва ички темирбетон қатламлар элементларининг ҳамда уч қатламли панелларининг экспериментлар натижасида аниқланган конструкцион хоссалари ёритилган.

Эластик боғланган арматура стерженлари ва изоляцион қатламнинг биргаликдаги қаршилигини аниқлаш учун N-10 ва NI-10 намуналар мисолида силжитувчи куч таъсирида намуналар қатламларининг ўзаро силжиш хусусияти таҳлил қилинган (7-расм). Юкланиш бошида силжиш кучланишга пропорционал равишда ошади, кейинчалик силжишнинг ўсиш тезлиги кўпайиб боради ва охири босқичда (жами силжиш миқдорида қарийб 1 см) юкланишни

Тажриба синовлари учун намуналар изоляция қатламлари 50, 100 ва 150 мм қалинликдаги ва $b \times l = 300 \times 300$ мм ўлчамларда лойиҳалаштирилди. Боғламлар тўртта алоҳида стерженлардан тайёрланган. Изоляцион қатлам сифатида ГОСТ 19222 бўйича зичлиги 350 - 400 кг/м³ бўлган изоляцион арболит ишлатилди.

Ҳаммаси бўлиб, ҳар хил қалинликдаги иссиқлик изоляцион қатламга эга бўлган 12 та намуна (2 та серия, ҳар бирида 6 тадан намуна) тайёрланди ва синовдан ўтказилди.

унча катта бўлмаган миқдорида ҳам силжишлар сезиларли даражада ортади.


Боғламларнинг энг зўриққан юзаларидаги оқувчанлик чегарасига (σ_y) эришиши учун керак бўладиган силжитувчи куч қуйидагича топилади. (1) ва (2) ифодаларда келтирилган формулалар орқали NI -10 ва N -10 намуналарнинг силжитувчи куч таъсиридаги эластиклик ва пластиклик кўрсаткичлари аниқланган:

$$T_{el}^H = 0,196 \frac{d^3 * \sigma_y}{\delta_q} \quad (1)$$

$$T_{pl}^H = 0,334 \frac{d^3 * \sigma_y}{\delta_q} \quad (2)$$

Эластик боғланган арматура стерженларининг силжишга ишлашида, уларни бетонга қистириб маҳкамланган, жойларидаги бетон эзилгунича, силжитувчи кучга стерженларнинг мойиллиги орасидаги боғланиш чизикли бўлди. Силжишларнинг миқдори эластик боғланган арматура стерженларининг бетонга қистириб маҳкамланган узунлигини четки қатламлар орасидаги масофани эластик боғланган арматура стерженнинг 1,6 диаметр йиғиндисига тенглиги аниқланди. Олинган маълумотлар эластик боғланган арматура стерженларига эга бўлган уч қатламли намуналар билан синовлар орқали тасдақланди.

Ички қатлам намуналарида (I-8 ва I-10) ёриқлар пайдо бўлиши юк ортиб бориши билан аста-секин содир бўлди ва бузилиш юкининг (0,8-0,7) F_{ult} қийматигача давом этди.



5-Расм. Силжитувчи куч таъсирида NI -10 ва N -10 намуна қатлам-ларининг ўзаро силжиш хусусияти.

Бу плиталарда ёриқлар деярли конструкциянинг бутун бўйлама кесими бўйлаб 5 – 10 см масофаларда кузатилди. I-8 намунада ($\mu=0,5\%$) I-10 ($\mu=0,785\%$) намунага нисбатан ёриқлар ҳосил бўлиш momenti бузувчи моментга яқин

“Кучланиш-силжиш” диаграммасида пропорционал боғлиқлик ҳудудида синовдан ўтган барча намуналар учун қатламларнинг ўзаро силжиш қийматлари юқорида келтирилган формула бўйича ҳисобланган қийматлардан анча юқори (1-2 бараварга) бўлди. Бунда боғламларнинг узунлиги камроқ бўлган намуналарда назарий ва тажриба қийматларида катта фарқ кузатилди.

бўлди ва ёриқлар орасидаги масофалар ҳам катта бўлгани кузатилди. Эҳтимол, ёриқлар ривожланишидаги бу фарқлар арматуралаш миқдори билан боғлиқдир. Ташқи темирбетон намунасида ($\mu=0,196\%$) эса кам арматураланган темирбетон элементларидаги каби ёриқлар бузилиш юқининг $0,4 F_{ult}$ қисмида пайдо бўлиб, $0,7 F_{ult}$ қийматигача давом этди, ёриқлар нотеккис тарқалиб, ўзаро 10 – 15 см масофаларда соф эгилиш қисмида кўпроқ кузатилди. Ушбу намунада ёриқларнинг очилиш кенглиги 0,07 – 0,1 мм дан бошланди ва бузилганда 0,5 – 1,1 мм ни ташкил этди. Бошқа намуналардаги ёриқлар очилишининг ҳисобий ва экспериментал қийматлари 2 – жадвалда келтирилган.


a_{crc}^x нинг ҳисобий қиймати ҚМҚ 2.03.01 даги 144- формула орқали ҳисобланганда тажриба орқали аниқланган a_{crc}^t қийматдан ўртача 25-22 % кўпроқ яъни захираси билан чиқди. Ички қатлам темирбетон плиталарида эса, дастлабки босқичида 7 -23% ҳисобий қиймат катта бўлган бўлса, ёрилишдан кейинги жараёнларда 41 – 44% эксперимент натижаси катта фарқ қилди. Ҳисобий ва ҳақиқий қийматларидаги бундай катта фарқ, энг аввало ёрилишларнинг ҳосил бўлиш хусусиятлари билан изоҳланади.

Уч қатламли темирбетон элементларнинг мустаҳкамлиги, ёриқбардошлиги, салқилиги хоссалари аниқланди. Барча намуналар ички ва ташқи темирбетон қатламларнинг сиқилган зонасида бетонининг эзилишидан арматуранинг оқувчанлик чегарасига эришгандан сўнг, соф эгилиш зонасидаги ораликнинг ўрта қисмидан бузилди.

2.-Жадвал. Алоҳида темирбетон элементлар салқилиги

| Белги ла- ниши | $\frac{M_{crc}^T}{M^T}$ | $\frac{M}{M^T}$ | Салқилиги, мм | | |
|----------------------|-------------------------|-----------------|-------------------|---------|-------------|
| | | | Тажриба, f^t | Ҳисобий | |
| | | | | f^n | f^t / f^n |
| I-10 | 0,26 | 0,68 | 0,75 | 0,81 | 0,93 |
| | | | 1,61 | 0,9 | 2 |
| I-8 | 0,47 | 0,6 | 0,6 | 0,78 | 0,77 |
| | | | 1,46 | 0,86 | 1,7 |
| T | 0,4 | 0,9 | 0,58 | 0,3 | 1,9 |
| | | | 0,9 | 1,7 | 0,53 |

Бундан ташқари 8-расмдан кўриниб турибдики, эластик боғланган арматура стерженлари сонининг кўпайиши билан уч қатламли элементларнинг мустаҳкамлиги ҳам ошади: масалан, II- сериянинг изоляциясиз намуналарида эластик боғланган арматура стерженлари бир хил жойлашганда ва сони 4, 8 ва 16 гача кўпайиши билан ҳисобий моментининг (M_{p2}^T) қиймати мос равишда 21, 24 ва 39 % га, изоляцияли намуналарида эса ушбу кўрсаткич 36, 39 ва 50 % га ошиб боргани аниқланди.



Барча уч қатламли намуналар-нинг синовлар натижасидаги ҳақиқий юк кўтариш қобиятлари қуйидаги ҳоллардаги назарий ҳисоблаб топилган қийматлари билан солиштирилди:

6– расм. Уч қатламли панеллар-нинг алоҳида темирбетон элемент-ларида ёриқларнинг очилиш кенглиги.

1. Фақат ички қатламнинг иши ҳисобга олганда (M_{p1}^H);
2. Ички ва ташқи қатламларнинг ишини уларнинг йиғиндиси сифатида алоҳида ҳисобга олганда (M_{p2}^H);
3. Монолит кесим сифатида таклиф этилган барча қатламларни биргаликдаги ишини ҳисобга олган ҳолдаги усул (M_{p3}^T).

Иссиқлик изоляциясининг қалинлиги ошиши билан панелларда эгиловчан боғламларининг таъсири камайди. Буни 8-расмда III – серия панелларининг ўрта қатлами 5, 10 ва 15 см бўлган изоляциясиз намуналарининг ҳисобий моменти (M_{p2}^T) мос равишда 18, 23 ва 14 % ташкил этганидан, ҳамда изоляцион қатлами мавжуд бўлганларда эса 27, 23 ва 29 % камайгани экспериментларимиз орқали тасдиқланди.

Ички қатлам плиталарни мустаҳамлиги ва ёриқлар пайдо бўлиш моментларининг назарий қийматларини ҳисоблашда, сиқилиш зонаси баландлиги ҳимоя қатлаидан кичик ($x < a' = h'_o$), бўлганлиги сабабли, A_s ва A'_s арматуралар чўзилувчи ҳудуддаги бетоннинг ишини ҳисобга олиб, ҚМҚ 2.03.01 фойдаланиб ҳисобланди

$$M \leq R_b * A_b - \sum \sigma_{si} * A_{si} \quad (3)$$

$$M \leq R_b * A_b \left(h - \frac{h_2}{2} - \frac{x}{2} \right) \quad (4)$$

$$M_{crc}^x = R_{bt,ser} * W_{pl} - P(e_{op} + r) \quad (5)$$

Бунда, ёриқлар ҳосил бўлгунича жараёнда салқилик қуйидаги формула орқали ҳисобланди:

$$f_1^T = S * l^2 \frac{M_{crc}}{E_b J_n} \quad (6)$$

бу ерда, M_{crc} – плита бузилишдаги эгувчи моменти,

Ёриқлар ҳосил бўлганидан кейинги салқилик эса қуйидаги формула орқали ҳисобланди:

$$f_1^T = S * l^2 \frac{M^H}{E_b J_n} \quad (7)$$

бу ерда: M^x – плита бузилишдаги эгувчи моменти.

M_q ва M_{kes} нинг қийматлари аниқланганидан сўнг таркибли элементнинг салқилигини аниқлаш қийин бўлмайди. У салқиликлар йиғиндисига тенг бўлади, яъни:

а) f_q^H ни қатламларнинг биргаликдаги ишини ҳисобга олмасдан, юкларни қатламларнинг бикрлиги бўйича пропорционал тақсимоти бўйича аниқлаш:

$$f_q^H = \frac{5 * q_t * l^4 * M_q}{384 * E_t * I_t * M_p} \text{ ёки } f_q^H = \frac{5 * q_i * l^4 * M_q}{384 * E_i * I_i * M_p} \quad (8)$$

б) бутун панел кесими учун f_{kes}^H қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$f_{kes}^H = \frac{5 * q * l^4 * M_{kes}}{384 * E * I * M_p} \quad (9)$$

бу ерда: q_t ва q_i – мос равишда ички ва ташқи юклар;

q – панелга тушадиган юк;

Уч қатламли элементнинг салқилиги қуйидагидегига тенг бўлади:

$$f_{3q}^H = f_{kes}^H + f_q^H \quad (10)$$

Бундан ташқари, ҳар хил арматураланиш коэффицентига эга бўлган, лекин бир хил боғламлардан ташкил топган I – серия намуналарининг ҳисобий момент (M_{p2}^T) қиймати кам арматураланган намуналарда катта бўлди, диаметрлари 8 мм ли намуналардаги фарқи изоляция қатламли намуналарда 27%, изоляция қатлами мавжуд бўлмаган намуналарда эса 23% га юқорилиги кузатилди. Ишчи арматураси диаметри 10 мм бўлган қўш арматураланган ички қатламларда эса фарқи мос равишда 25 ва 30% ни ташкил этди.

Кўп қатламли панеллар қабул қилган моментини алоҳида темирбетон элементлари ва яхлит кесим қабул қилган моментлари йиғиндиси сифатда қараш мумкин:

$$M_p = M_q + M_{kes} \quad (11)$$

Бунда:

$$M_{kes} = T * v \quad (12)$$

бу ерда: T – силжитувчи куч;

v – темирбетон қатламларининг кесимлари ўқлари орасидаги масофа.

Бир текис тақсимланган юк билан учлари эркин бўлган элементнинг эгилган стерженлари учун ораликнинг ўртасида кесиш кучи қуйидаги формулага кўра аниқланади:

$$T = \frac{q * v}{2 * \gamma * \Sigma EI} * l^2 - \frac{q * v}{\gamma * \lambda^2 * \Sigma EI} * \left(1 - \frac{1}{ch * \lambda * e}\right) \quad (13)$$

Панелларнинг юк кўтариш қобилияти қатламлар орасидаги масофанинг ошиши билан, эластик боғланган арматура стерженлар ҳисобига, камаяди ҳамда мустаҳкамликнинг ҳисобий ва ҳақиқий қийматлари ўртасидаи фарқ қисқаради. Масалан, III–серия намуналарининг изоляцион қатлам қалинликлари 5, 10 ва 15 см бўлганида, мос равишда 14, 13 ва 4% ташкил этди.

Умуман олганда, уч қатламли панелларининг изоляцион қатлам ҳисобга олган ҳолдаги юк кўтариш қобилиятининг қиймати фақат эластик боғланган арматура стерженлари ҳисобга олиб аниқланган қийматидан қатламлар ораси 5 см бўлганида ўртача 18 % ошади, 10 ва 15 см бўлганида эса 16 % га ошади.

Изоляцион қатламни ишини ҳисобга олганда моментнинг ҳақиқий ва назарий қийматлари яқинлашди. Эластик боғланган арматуралар сонининг ошиши билан фарқ катталашди.

Силжишларнинг миқдори эластик боғланган арматура стерженларининг бетонга қистириб маҳкамланган узунлигини четки қатламлар орасидаги масофани эластик боғланган арматура стерженнинг 1,6 диаметр йиғиндисига тенглиги аниқланди.

